



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган


Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

АҲИЛЛИК, МЕҲРУ ОҚИБАТ БОР ЖОЙДА БАХТУ ИҚБОЛ БОР


- Обод деганда халқимиз, нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, кут-барака ҳукмрон бўлган жойни тасаввур қилади, - деганида нақадар ҳақ дейди юртбошимиз.

Тошкент шахрининг Ҳамза туманидаги "Янгиобод" маҳалласи ўз номи билан обод маҳаллалардан. Табиийки, яхшилик, эзгулик айнан ўзимиз яшаётган маҳалладан бошланади. Маҳалладошлар, кўни-кўшнилар қариндошдан ҳам яқинроқ бўлишади.



Оқсоқол Х. Тожиаҳмедов, тафтиш комиссиясининг раиси Ҳ. Азизов ҳамда "Оила зийнати" марказининг муовини Ҳ. Раҳимовлар «Янгиобод» маҳалласида қизлар учун тикувчилик курслари филиалини очиш ҳақида маслаҳатлашишмоқда.

Янгиобод маҳалласининг оқсоқоли Хурсандали ака Тожиаҳмедов билан идорасида учрашдик. Маҳалла тарихига, ибратли оилалар, ёш авлод тарбияси бўйича бажарилган тадбирларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида албомлар тайёрланибди.




Шинам чойхона маҳалла аҳлининг сеvimли маскани.

Фозил ака (ўртада), кўшни маҳаллалик Б.Тошмухамедов ва Н.Турсуновлар.

- Қадимда подшоҳлар бирор юртга боришса аввало бозорни, сўнг қабристонни кўришар экан. Сабаби, бозори тўкин бўлса эли меҳнаткаш, агар мазори ораси бўлса демак, шу халқнинг ўтган авлодларга эҳтиром чексизлигини, меҳр-оқибати устунлигини билдираркан. Янгиобод маҳалласининг қабристони эса хайру-саховатли кишиларнинг саъйи-ҳаракати билан жуда обод қилинди, дейди сўхбатдошим. Урфу одатларимиз яхши, удумларимиз гўзал. Аммо буларни кимўзар мусобақаларга айлантириб юбормаслик керакда. Биз бу йил маҳалламизда кўп ишларни амалга

Шоир ва ёзувчи Қўчқор НОРҚОБИЛ журналистика ва бадиий ижоддаги кўп йиллик меҳнатлари учун ўтган йили «Республикада хизмат кўрсатган журналист» унвонига сазовор бўлди.



ҚИШДА ЧИЗИЛГАН СУВРАТ

Деразалар беркиниб олди - Музойналар тортдилар парда. Ташқарига тахлика солди Қагиллашиб бир гала қарга.

Кўркув нима? Қилмаганман ҳис. Эплаганман гуллашни қорда. Ўттиз тўртда кўксима илкис Оғрик солди бир гала қарга.

Ичкарида ёлғизлик - қисмат. Кир, киравер қилмайман зарда Аёз; сен ҳам бир гала ҳасрат - Кўшигидан бўлдингми зада?!

Ёлғиз юрак... Шунчалар оғрир, Бирок баҳор кўринар қорда. Аёз, чида! Биламан, оғир - Куйлаяпти бир гала қарга...

Корга ёздим. Исиндим - Ўт ўрлади исмингдан. Олис чоғлар музлаган Баҳор ёнди кўксимда...

Чарсиллар қор учқуни Шамол ўйнаб учирар... Зарра-зарра қорларга Фалак исминг кўчирар...

Бокдим - кўкка айландинг... Кўзларим тортиди хира. Қор бўлиб ёгдинг... Бошда Оқаради Хотира...


Кеча қатрондай қотади, Мени мўлжалга олди кўк - Фалак музнайза отади Бирок менга теккани йўк.

Оёқларим остида муз - Бошимда муз - қаҳри совуқ... Деразангдан узмадим кўз Йўк, ҳозирча кетганим йўк.

Тонг оқарди... Узоқ кутдим - Ўйнаб-ўйнаб ёғади қор... Муз кечадан омон ўтдим, Келмайсанму, энди баҳор?!

Қор. Кеча. Кўча. Аллакким Кетаяпти қўлида гул... Васл сари шовар балким - О, шодлиги аён буткул!..

...Йўл муз эди - йиқилди у. Гул сочилди қорда шу дам - Бирок, мендан бахтли эди, Қор устида ётган одам...



оширмоқчимиз. Бунда албатта маҳалла аҳлига суяна-намиз.

Муҳаббат опа Раҳимова Янгиобод маҳалласи хотин қизлар кўмитасининг раиси. У маҳалла хотин-қизлари билан биргалликда иш олиб боради. Ҳар бир оилاداги аёлнинг тўю ҳашамда орзу-ҳавас дея, ортиқча дабдабага йўл қўймадлиги қатъий назорат остида.

2003 йил "Обод маҳалла йили" деб аталиши юртимиздаги маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмиталари ва фаолларига куч-қувват бағишлади ҳамда юксак масъулият юклади. Янгиобод маҳалласини янада ободонлаштириш учун ҳаммом, сартарошлик, тикувчилик каби қатор маиший хизмат кўрсатиш ишларини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Йиллар ўтаверади, лекин маҳалларда тарбия олган ўзбек болалари юртимиз номини дунёга танитаверадилар. **БАСИРА**



Маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳаббат опа Раҳимовани маҳаллада ҳам, оиласида ҳам меҳрибонлиги учун яхши кўришади.

Агар шу мавзуга алоқадор гаплар ҳаётингизда учраган бўлса «Оила ва жамият» газетаси таҳририятига кўнғироқ қилинг. Тел: 133-28-20

ДИЙДОР ҚИЁМАТГА ҚОЛМАСИН!



ДИККАТ:

ТЕЛЕВИДЕНИЕДА ЯНГИ КЎРСАТУВ

Бу дунёда нималар бўлмайди дейсиз? Бъязан тақдир тақозоси билан қутилмаганда ҳаётимизда энг азиз инсонни йўқотиб қўйиб, бир умр унинг изларини излаймиз. Йиллар ўтган сайин ҳар кунимизда унинг ўрни билиниб бораверади.

Инсоннинг кўнглида шундай туйғулар борки улар маъсум кўнгил мулкнинг бебаҳо бойлиги, инсон умри зийнатиға айланган. Дардмандга дармон, ғарибга муруватли, кеҳиримлик бўлишдек туйғулар айга аждодларимиздан қолган мерос. Биз

тайлик, бир шифокор сизнинг жигар-бандингиз, фарзандингизни бир вақтлар ўлим чангалидан сақлади. Сиз эса ғурус тоғиб унга ҳатто бир даста гул ҳам бера олмадингиз, ташаккур ҳам айта олмадингиз. У сиз болангиз билан андармон бўлиб юргангизда бошқа шахарга кўчиб кетди.

Ёки бир вақтлар бирга ўқиган собиқ курсдошингизнинг дилини оғритгансиз. Орадан йиллар ўтиб ўша одамни учратиш, узрингизни айтиш истаги сизга тинчлик бермайди.

Йиллар бўйи яширин дил изтиробидан азоб тортаётган шундай инсонлар дардига дармон бўлиш мақсадида ўзининг бетақдор кўрсатувлари билан эл назарига тушган республикада хизмат кўрсатган журналист Асрор Абборхўжаев «Меҳр

кўзда» кўрсатувини эфирга тайёрлади. Ушбу кўрсатув ток-шоу жанрида бўлиб, унда турли ёшдаги томошабинлар, мавзуга алоқадор одамлар иштирок этишади.

— Кўрсатув келгусида мухлислардан келган мактублар асосида ҳам тайёрланади. Инсонлар ҳаётидаги чигалликлар йўқолиб, дилларида меҳр - оқибат туйғулари гул очсин. Бундай кўрсатув тайёрлашдан мақсад битта, у ҳам бўлса ҳар бир лаҳзаси ганимат бу ҳаётда бир-биримизнинг дардимизга дармон бўлайлик. Вақтида бир-биримиз билан дийдорлашайликки, токи дийдор қиёматга қолмасин. Ушбу кўрсатуви ана шундай эзгу ниятлар билан тайёрладиқ, - дейди Асрор ака.

БАСИРА



Танишинг: Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا номзодлар



Ҳилола АКРАМОВА — иқтидорли, хунарманд бу қиз Жиззах вилоятининг Жиззах туманига қарашли М. Қамбаров номи 29-ўрта мактабнинг 11-синфиде вилоят ҳокими стипендиясини олиб аёло баҳоларга ўқийди. Мак-

ҲИЛОЛАНИНГ ҲУНАРИ

табдаги ёғоч ўймакорлиги санъати тўғрага раҳбарлик қилади. Оддий ёғочларга ажойиб гуллар тасвирини туширади. "Истеъдод-2001" анжумани истеъдодли ўқувчилар слётида қатнашиб, республикада 1-ўринни эгаллади. "Ташаббус-2002" кўрик-танловининг "Энг ёш тадбиркор" лауреатлик дипломи билан тақдирланган.

КИМЁГАР ҚИЗ

Гулрух МУХТОРОВА — Жиззах Давлат педагогика институтининг қошидаги иқтидорли болалар лицейининг биология гуруҳи талабаси.



Ушбу танловда у фан йўналиши бўйича қатнашмоқда. Унинг «Анорганик кимёдан тест саволлари», «Мўъжизасиз мўъжизалар», «Кимё фанидан қизиқарли ўйинлар» номли методик тавсиялари ҳамда "Жон ичра Ватаним жонимсан" деб номланган шеърый тўпламлари нашрдан чиққан.

НАФИС САНЪАТ СОҲИБАСИ

Ирода ЭГАМБЕРДИЕВА — Жиззах вилоятининг, Жиззах туманидаги У. Хатамов номли жамоа ҳўжалигининг "Таракчи" кишлоғида туғилган. Ҳозирги кунда Жиззах

Давлат педагогика институтининг 1-курс талабаси. У мактабда аёло ўқиши билан бирга бўш вақтлари расм чизиш, зардўзлик, тикувчилик билан ҳам шуғулланади. Қолаверса, ўзбек либосларининг ҳар хил кўринишини яратеди.

ЮРТИНИ МАДҲ ЭТИБ

Нафиса ҲАМРОЕВА — Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги 25-сон ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси. 2001-2002 ўқув йилида адабиёт соҳаси бўйича Республика "Нафосат" ёш каламашлар анжуманида иштирок этди. "Бойчечак", "Юртим мадҳи", "Кўёш билан сўхбат" китоблари муаллифи. Болалар жамғармаси вилоят бўлими стипендияси соҳибаси. У ўз шеърларида дўстлик, тинчлик, истиқлолни мадҳ этади.



Нигора Йўлдошева тайёрлади

Оила ва жамият

Оила ва жамиятга баркамоллик тилаймиз!



Мухайё БЕРКИНОВА Жиззах шаҳри

"Оила ва жамият" рўзномасининг ҳурматли жамоаси! Сизларни ва сиз орқали барча юртдошларимизни Янги йил, "Обод маҳалла йили" билан чин юракдан қутлайман. Сизга соғлиқ, тинчлик, ижодий ишларингизда баркамоллик тилайман. Доимо соғу саломат бўлиб, элга хизмат қилишингизни истайман. Рўзномангизнинг ашаддий муҳлисаси ҳамда йироқдаги мухбирингиз сифатида

рўзнома учун бор куч-қувватимни, ёздиغان мақолаларимни аямайман. Ушбу рўзнома Янги йилдан бошлаб 16-саҳифада чоп этилиши менга олам-олам қувонч ҳада этиди! Қутлуг ниятингиз амалга ошишига тилақдошман!

Мен ушбу рўзномага нафақат ўзим, балки Жиззах шаҳридаги "Кимёгар маҳалласи"дан 420-430 кишини обуна бўлишга ундаб, ижобий натижага эришдим ва 80-100 нафар фуқаролар

киоскадан сотиб олишларини ҳам билиб олдим.

Жуда яхши иш бошлабсизлар! Биз севимли газетамизнинг саҳифалари келгуси йилларда, бундан ҳам ошишини истаимиз ва газетга баркамоллик тилаймиз!

Жиззах шаҳри

Қадри бош муҳаррир! Сизни ва сиз орқали газетангиз ходимларини яқинлашиб кетётган Янги йил байрами билан ўзим ва оиламиз аъзолари номидан чин қалбимдан самимий табриклайман. Янги 2003 йил оиламизга бахт-саодат, омад олиб келсин! Сизларнинг ижодий ишларингизга омад тилаб қоламан. Илоҳом ҳаммаша Сиз азизларга ёр бўлсин!

Қадри Дилбарой! Сизни газетангиз 51 - сонидаги "Обод маҳалла йили"да ниятларимиз қутлуг мақолаингизни зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Газетангизни ҳар бир сонини энтиқиб кутаман. Газета саҳифаларидаги ҳар бир мақола менда чуқур таассурот қолдиради. Ҳатто айримлари йиғлатади ҳам. Бу мақолаларга бефарқ қараб қолмайман. Илоҳи бўлса ўзимнинг фикрларимни ёзиб юбораялман. Сизлар газетанда чоп этилясизлар. Бунинг учун Сиз ижодкорларга мингдан-миг раҳмат!

Газета мени ҳаётга қайтарди, десам муволаға қилмаган бўламан. Чунки ўтган йили киш ойларида соғлигим ёмонлашди, касаллик мени енга бошлади. Ҳар бир кунимни газета ва китобсиз тасаввур этолмасдим. Фарзандлар, набиралар, турмуш ўрто-

ғим ҳарчанд «касалхонада ётиш, даволанасиз»,- десалар ҳам ётигим йўқ эди. Шунда газетангиз "Оила ва жамият" қўлимга тушиб қолди. Газетада бир йилгитнинг "Бахтим учун ҳеч ким курашмади" номли дил изҳори ёзилганди. Шунинг ўқидиму, газетамда "Бахтинг учун ўзинг кураш" номли мақоламни ёзиб юбордим.

Бир ҳафта ўтар-ўтмас шу мақола газетангизда бир саҳифа бўлиб босилди. Шу газетани тоғам бир куни кечқурун олиб келдимлар. Тоғам Маҳмуд Қаландаров қўшини Ҳамид Олимжон колхозиде истиқомат қиладилар. У киши қарийб 40 йил ёшларга тағлим-тарбия берган. Газетада мен ўз имзоимни эмас, балки "Баҳромбобо" деб имзо қўйган эдим. Даровзадан киришлари билан:

- Салом Баҳромбобо, - деб кулиб қўйдилар. Мен ҳайрон эдим. Нега тоғам мени исмимни айтмай "Баҳромбобо" деяптилар.

- Тоға, нима деяпсиз, мени отимни билмайсизми, - дедим ҳайрон бўлиб.

- Ахир Сиз Баҳромбобо экансиз, мана газетамга ёзибсиз-ку, - дедилар.

- Ҳа, энди эсимга тушди, қавм-қариндошлар билмасин деб бошқа имзо қўйсам ҳам, саргузашт воқеалардан хабардор тоғам билиб-

қалларини бўшашиб, енгил тортадилар. Газетангизни шунинг учун ҳам иттиқиб кутамиз. У ошимиз ҳам, понимиз ҳам, маслаҳатчимиз ҳам. Дилбархон! Янги йил 2003 чехраингиздан асло табассум аримасин. Бахт ҳаммаша Сизга ҳамроҳ бўлсин!

АЗЛАРҲОНОВАЛАР оиласи Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Ўзбекистон маҳалласи



Вой, муздаккаша, лекин ёқимли.

Ҳурматли Бош муҳаррир! Сиз муҳаррирлик қилаётган "Оила ва жамият" газетаси республика мухлисларининг қалб кўзгуси. Унинг орқасида Сиз бошчилик қилаётган жамоа аъзоларининг тишимсиз меҳнати натижаси ўлароқ 11000 дан ортиқ маҳалла фуқароларининг диллари тубидеги гам-алямлари, ёшларнинг ота-оналарига айтолмаган сирли сўзларини газетангиз орқали изҳор қилиб, дил тубидаги

Бола тарбияси ўта масъулиятли, назик иш. Кўпчилик ота-оналар фарзандлари тарбияси билан мутлақо қизиқмайдилар. Улар бир "қаромат" қилиб қўйишганидан кейин хатоларини тушуниб етдилар. Лекин кейинги пушаймондан фойда йўқ. Қуйида уч оиладаги уч хил ҳолатни акс эттиришга ҳаракат қилдим.

Зокиржон исмли ҳамқишлоғим (номи ўзгартириб ёзилган) бундан 40 йилча илгари ҳарбий хизматни ўтаб қайтган. Бухоро шаҳридаги ўрта махсус ўқув юртидан бериға ўқишга кирди. Ўқишни тугатган, шаҳарда қолиб яшашга аҳд қилди. Шу ерда шаҳарлик бир қизга уйланди.

Зокиржон шаҳардаги ҳаётга аста-секин кўника бошлади. Қишлоқда ҳар куни эрталабдан кечгача қора меҳнатга ботиб кун ўтказган, оғзи онда-сонда гўшти оватни тагинган бўлса, шаҳардаги ҳаёт мутлақо бошқача. Давраларга борганда "мардона" ўтиришнинг урдасидан чиқса бас. Ҳар куни ҳеч бўлмаганда бир жойда "отанг ўргилсин" зиёфат. Бу тантаналарда ўтирувчи даврадошларнинг кийинишлари, юриш-туришлари кишини лол қолдиради. Зокиржон ўйловга қолди. Хотинининг сўзлари ҳақ-да. Ҳамма зиёфату-маъракаларга оҳори тўқилмаган кийим у энгил автомашиналарда келишса. Айниқса, аёллар таққан тилла тақинчоқларни айтмайсизми? Улар кўзни қамаштиради-я. Нима, Зокиржон йигит эмасми? Бунинг урдасидан у наҳот чика олмас?

Зокиржон хотини билан "самимий" маслаҳатлашди. Қайночасининг танишларини ишга солиб, "ёғли вазифа"га ўрнашиб олди... Энди унинг ҳаёти бошқача туш олди. Ҳар куни шарақ-шарақ пул, дарвозаси олдида одамлар уни кутиб туришарди. Зокиржон уларнинг арз-додларини битта-битта тингларди. Бу илтимослар албатта текинга бўлмасди. У ёшлик йилларидаги оғир ҳаётини унутиб, бугунги "фаровон турмуш"га берилиб кетди. Кетма-кет туғилган 5 ўғил, 2 қизни "ширвоз" кўзи гўшти едириб ўстирди. Улар нима интаса ўшани муҳайё қилди. Ҳар куни кечкурун кунлик даромадни ҳисоб китоб қилиш чоғида ота-онасини кузатиб турган ўғил-қизлар улуши ҳам улар қўлига тутқазиб борилди. Унга ақиндан ёрдамлашган амалдорлар тез-тез ҳовлига қақририлиб дабдабали зиёфатлар уюштирилди. Улар шаънига миннатдорчилик сўзлари айтилди. Фарзандларнинг тўйлари ҳам оқори даражада ўтказилди. Енгил автомашинадан узоғи билан бир йилда яна янгиларди. Кўп қийинчиликлар билан отасиз ўғиллар ўстирган муштипар онанинг: "Ўғлим, кўзинга қараб иш қил. «Камтарга камол, ман-манга завол», дейдилар. Инсоф, иймонингдан ажралма, болаларнинг тарбиясига эътибор қил", дея берган насихатларни учун волидасини ранжитганини фаҳмига ҳам етмади Зокиржон...

Зокиржон қирқ йиллик "айрилиқ"дан сўнг умрининг охирини бетакорор ёшлиги ўтган жойда давом эттириш учун она қишлоғига қайтиб келди. Ўзи билан қишлоққа хотини, ҳали уйланмаган кенжа ўғли, бир болани орқасидан олиб келган катта қизини кўчириб келди. Бир куни Зокиржон ака билан юракдан суҳбатлашиб қолдим. Зокиржон ака кимгадир юрагини очиб, кўнглидаги ҳамма аламини тўкиб ташлашни истаган эканми, менга барча дардларини очиб-ойдин айта қолди. Агар мен: "Зокиржон ака, қариликда шаҳарда яшаш қулай. Нима учун шундай дангил-

лама иморат, имкониятларни ташлаб қишлоққа келдингиз? Қолаверса, "қариликка йўғалиқ" деганларидек, бу ерда янгидан иморат солиш, рўзгор тузатиш осонми?", деган саволлар билан мувожаат қилмаганимда балки Зокиржон аканинг яраси устига туз сепилмаган бўлармиди? - Эҳ, нимасини айтий, укажон. Хом сут эмган банди, деб мени айтсалар керак. Икки акамнинг ўғил-қизларига ҳавас қиламан. Менинг фар-

ри бағрига келганида турли сабабларни рўқач қилиб, жиянлари ёқасини йиртмас эди. Амакисини ёмон сўзлар билан ҳақоратламас эди.

Зокиржон аканинг ҳаётидан сўзловчи кичкина ҳикоятни шу ерда тўхта-тиб, яна бир инсон ҳақида фикрларимизни баҳам кўрайлик.

Жаҳон хожи Жамоловни 30-35 йилдан буён яхши танийман. Бу инсон



Тарбия соати

зандларим рисоладигдек бўлиб камолга етмади. Номақбул болаларга эргашиб, ёмон йўлга юрди. Хаттоки, наркоманларга шерик бўлди. Меҳнат қилиб кун кўришдан кўра текин еб-ичишни ўзига одат қилди. Ховлимда бирор қўлга илинадиган нарса қолмади, ҳаммасини ўғринча сотиб тугатди. Кейинги пайтда пул топиб берасан, деб янгангиз билан менинг безоримни чикарди. Охир оқибат, шу ер бизлар учун тинч ва оғайниларим яқинида доим бўлмаси, деб қишлоқни афзал кўрдик...

Хайронман, бизларнинг ёшлик йилларимизда болалар, умуман одамлар сўкинишмас эди. Ҳозир нуқул ота ўғлини, ўғил отани ёки болалар бир-бирларини шунақанги "кунгирадор" қилиб сўкишадик, уялганингдан қулоқларингни кўлларинг билан бекитишга мажбур бўласан, киши. Булар орасида мен ҳавас қилиб юрган жиянларимнинг ҳам борлиги кишини таажжубга солади.

Мен Зокир аканинг онасини яхши биламан. Раҳматли жуда ҳалол, орномусли аёл эди. Эри билан кўп бўлса 3-4 йил бирга умр кўриб уруш туфайли ёшлигида бева қолган. Лекин номусини йўқотмаган. 3 нафар фарзандини деб умрининг охиригача ўз тақдирини ўйламаган. Ўғилларини қўлидан келганча оқ тараб, оқ кийдирган. Уларни ҳалол ҳаёт кечиришга, ҳаромдан ҳазар қилишга ўргатган. Фарзандларини бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга даъват қилган.

Ҳаёт тақозоси билан отасиз ўсган ўғилларнинг ўзлари ота бўлиб қилишганида эса, менимча бир муштипар она фарзандига берган тарбияни улар ўз ўғил-қизларига қайтара олмаганлар. Акс ҳолда Зокиржон ака фарзандлари дастидан тинчгина яшаб турган иссиқ жойини совултмас эди. Паноҳ излаб оғайнила-

ҳақида одамлардан ҳар хил фикр эшитганман. Биров: «Жаҳон ака яхши одам», деган бўлса, яна биров: «Эҳ, мазаси йўқ инсон», дея баҳолаган. Кўпчиликнинг фикрларини тинглаб, ўзимча бир хулосага келганман. Жаҳон ака ҳозир 70 ёшга яқинлашиб қолди. Умрининг қарийб 50 йилини халқ хизматида сарфлади. Собик иттифоқ даврида Роман туманида ёшлар сардорлигидан вилоят ташкилотлари раҳбарлигигача бўлган погонани босиб ўтди, Хатто, Олот туманининг етакчи раҳбари бўлиб бир неча йил ишлади. Ҳозирги кунда нафақада бўлишга қарамай Пешку тумани "Нуроний" жамғармаси раиси вазифасида ишлаб келмоқда. Ўзининг узоқ йиллик турли раҳбарлик лавозимларида ишлашга қарамай на биронта шахсий енгил машина минди, на даңгиллама иморат солди. Умр йўлдоши, кекса педагог Майрам опа Разоқова билан 4 ўғилни ўстирди, улғайтирди. Уларни олий маълумотли қилиб тарбиялади. Тўртталасини ҳам асл жойлардан уйлантирди. Тўнғич ўғли Олимжон туман ҳокимлигида ишлайди, Шавкатжон Қоробулқоз тумани прокуратураси хузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходими, Шўхратжон ва Баҳодиржон тадбиркор. Жаҳон ака ва Майрам опалар 10 нафар неваранинг бува ва бувижонлари.

Жаҳон аканинг ҳаётидаги бир ишга қойил қолганман. Ўзи 90-йилларда вилоят ташкилотларидан бирида раҳбар бўлиб ишлашга қарамай, 1 гектар ерда фермер хўжалиги тузиб, фарзандларини шу ерда ишлатди. Ўзини ҳам тез-тез, айниқса дам олиш кунлари кетмон кўтариб, далада меҳнат қилганлигининг гувоҳи бўлганман. Айни пайтда ҳам

"Ойбек" фермер хўжалигида меҳнат қилувчилар асосан Ҳожибобо ва унинг ўғиллари, келинлари ҳамда неваралари... 70 ёшни қаршилаётган Жаҳон хожини ҳозир ҳам пиёда юраётган экан, деб ўйламанг. Жамоловлар оиласи ҳам аллақачон уловли бўлишган. Кенжа ўғил Баҳодиржон 2 йил чет давлатда ишлаб, отасини муқаддас ҳаж сафарига узатишга, "Дамас" енгил автомашинасини сотиб олишга ҳам улгурди. Айни пайтда Олимжон отаси қадами етган муқаддас жойларга зиёрат қилиш тараддудида юрибди.

Моҳигул ҳали 40-баҳорни қаршилаганича йўқ. Яхшилаб атир-упа сеппиб, чиройли кийинса ундан "гўзал" аёлни топиш амримаҳол. Энди унинг оиладаги муҳит ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдирсак савобдан холи бўлмас, деб ўйлайман. Чунки бу оиладаги беш нафар вояга етмаганларнинг келгусида қандай шахслар бўлиб камолга етишлари пойдевори ҳозирдан қўйилди. Халқимизнинг "Кўш уясида қўрганини қилади", деган нақли бор. Келгусида 1 ўғил ва 4 нафар қизни ўз ўйларида кўраётган жирканчиликлар ўз домига тортмасмикин? (Номлари ўзгартириб ёзилди.)

Жаҳонгир бундан беш йил муқаддам оғир аҳволда касалхонада ётганида у бир йил давомида касалхонага тез-тез каттаб, қўп "дўст" орттирди. Айрим пайтлар 5 нафар гўдагини ҳам унутиб, эридан хабар олиш-баҳонасида ўша ерда қолиб кетадиган "одат" чикарди. Аста-секин бемор эрига яқин бўлиш мақсадида касалхонага ишга жойлашиб олди. Қисқа муддатда Жаҳонгир оламдан кўз юмди. Болалар ҳамда каттақон ҳовли Моҳигулнинг қарамоғида қолди. Унинг фарзандларига давлат то-

монидан нафақа бериладиган бўлди. Моҳигулга энди "кенг йўл" очилди. У нафақани қўлга олди деган "гумдон" бўладиган бўлди. На каттанинг, на кичикнинг гапига қулоқ солди. Эри ўлгандан кейин хаттоки ўғил-қизлари кўзи олдида ўз жазманларини уйига етаклаб келадиган одат чикарди. Уларнинг кийиниши, еб-ичиши, мактабга қатнаши ҳам Моҳигулни қизиқтирмади. Унинг кўзига фақат шарақ-шарақ пул, айшу-ишрат ва "мард" йигитлар кўринди, холос...

Маҳалла -қўй, маъмурий органлар таъсири остида Моҳигул ҳозирча тартибга қирган... Лекин "Моҳигулнинг тарбияси"ни олаётган ўғил, қизларнинг келгуси тақдирини қандай бўларкин? Уларга онасининг юриш-туриш, ўз таъсирини кўрсатмаётганмикин? Булар ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўришга тўғри келади. Бунга кўпчиликнинг фикри асқотади, деб ўйлайман.

Азиз муштарий! Юқорида уч хил манзаранинг гувоҳи бўлдик. Ҳар уччала воқеа кетида албатта, энг муқаддас иш ҳисобланган бола тарбияси туради. Халқимизда: «Ниманики эксанг ўшани ўрасан», деган нақл бор.

Зокиржон ака энди ўзи эккан уруғнинг ҳосилини олаётгани учун бировдан ўпқаланмасин. Молу-дунёга муқаддас кетган, ичкилик-бозлик ва гийбандликни ўзига касб қилиб олган оилада бола тарбиясига биринчи даражали иш сифатида қаралади, деб ҳеч ким қафолат бераолмайди. Оллоҳ ҳар бир ўғил-қизни Моҳигулга ўхшаган "она"лардан асрасин.

Исмоил УМАРОВ

СИЗДАЙ МЕХРИБОН ЭРНИНГ АЁЛИ СОҒАЙИБ КЕТСА АЖАБ ЭМАС

«Бахтимиз тўқис, лекин»
21-сон, 2001 йил

ЭСЛАТМА: Ёшим 30да. Тақдирим Замира билан кўшилган экан. Лекин унинг юрак хасталиги сабаб, биринчи фарзандимиз бу дунёга сифмади. Шифокорлар унга туғишни ман этди. Замира охири фарзанд кўришга аҳд қилди. Фарзандли ҳам бўлдик, аммо Замира соғаймай қолди.

НАЗИРЖОН

Наманган

Назиржон! Сизнинг «Дил изхори» нгизни ўқиб, аёлингизнинг соғлиги ёмонлигидан эзилди юргангизга ачиндим. Аслини олганда бунчалик гам чекингиз тўғри эмас. Тўғриси, сизни Оллоҳга айтганингиз бор экан. Аёлингиз - Замирахон фарзанд кўриши мумкин бўлмаса ҳам, (унинг биринчи фарзанди юрак хасталиги сабабли нобуд бўлган экан) ўғил туғиб берибди-ку! Бундай жасорат, Яратганга таваккал қилиш ҳар қандай онанинг қўлидан келмайди.

Оллоҳ шундай меҳрибонки, мўъжиза яратиб, га куч-қудрат берибди, бунга қойил қолиш ва Яратганга юз бора шукроналар айтиш керак!

Юрак дарди туфайли биринчи болангиз нобуд бўлиб, Замиранинг хаёти сақлаб қолинган ҳам: «Замирадан кечмоқчи бўлмаганман, хаёлимга ҳам келтирмаганман. Барибир севардим, унинг дардига шерик бўлардим, уни овулардим, аммо ўзимни овунадиганим йўқ», - дея зорлангиз. Бу гапларингиз сизнинг одамийлигингиз, ҳақиқий эзгу ниятли инсон сифатида вояга етганингиздан далолат беради, қанийди ҳамма эркаклар ҳам хаётга сиздек очик кўз, теран мулоҳаза билан қараса, уни асраб-авайласа нур устига аёло нур бўларди-я.

Лекин минг афсуски, ота-онангизнинг дунёқараши, инсонийликдан йироқлигига ачинади киши. Сизнинг юрак дардларингизга малҳам бўлиб: «Болам, бу ҳам Оллоҳнинг иродаси, сабр қил, бир гап бўлар», дея юпатиш ўрнига: «Бу хотининг энди болалик бўлмайди. Ажраш, бизни десанг, ажраш», - дея зўрлашлари ноурин-ку! Ахир Замиранинг ўрнида ўз қизлари шундай ҳолга тушса нима қилишарди?

Менимча, инсон ҳар қандай қийин ҳолга тушганда хаётга бунчалик энгилтақлик билан қарамаслиги керак. Зотан, айрим ота-оналар тарбиясида нуқсон мавжудлиги туфайли «ўзим бўлай» қабилида фикр юритишарди. Ахир, инсон жонсиз бир буюм эмаски, уни дарров кераксизга чиқариб, ўзидан четлатиш мумкин бўлса. Йўқ, бундай қилиш инсонийлик белгиси эмас. Шундайми азизлар?

Сир эмаски, ана шундай носоғлом тарбия эгаларининг қилмишлари туфайли гулгун хаёти-мизда оилавий келишмовчилик, ажралишлар, фарзандларнинг тирик етим бўлиб қолиши каби кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда.

«Дил изхори» нгиз мазмунидан, ота-онангиз оилавий аразлари туфайли сизларни бўлак ерга чиқариб юборишдан кўринади. Бу ҳам уларнинг бешафатлигидан далолат. Аксинча улар феълни кенгроқ қилиб, сизлар билан бирга яшашганида дардларингизга юпанч бўлармиди...

«Хозирда бахтимиз тўқис, фақат Замира соғаймай қолди. Янги рўзгор қилиб чиққанмиз, унинг ахволини кўриб эзиламан, виждоним қийналади, дардини олгим келади, ололмайман. Ўзим мактабда оддий ишчи бўлиб ишлайман», - дея ўқинманг. Эрта-индин ўғлингиз улғайиб, ёнингизга ёрдамчи бўлади. Замира-ни эса тажрибалироқ шифокорларга қурсангиз. Халқимизда: «Қаратган қараб қолмайди», деган ҳикमत юради. Фақат бунчалик қуюнавермай, юпаниб яшашга ўрганинг. Шунда дард ҳам, диққатпазлик ҳам чекинади.

Айтадиларки, Оллоҳ севган бандасига дард берармиш, ботмонлаб бериб, мисқоллаб олармиш. Дуо қилинг. Шояд яратган Эгамнинг иноти билан сиздай меҳрибон эрнинг аёли бир мўъжиза туфайли соғайиб кетса ажабмас.

Афифа ХАСАН қизи

Ассалому алайкум, азиз синглим Василя!

Сизнинг газетадаги мактубингизни ўқидим. Ёзганларингизга чин дилдан ишонгим келди. Чунки, хаётда ҳамма нарса бўлиши

Фақат ишонч билан интилиб яшаш керак. Ёзганларимни тушунишингизни хоҳлардим. Дунёни кенгроқ англамоқ керак, ҳар бир ҳолатга диққат ва эътибор билан қарамок даркор. Хаёт паст-баланд-

ликлардан иборат. Ҳар бир инсонда, агар у ўзини «комил инсонман» деб билса, ўзининг идеал инсониде, идеал турмуш тарзи бўлади. У ўша идеалларига интилиб яшайди. Охир - оқибатда эришади ҳам, агар у ҳаракат қилса.

ЧИН ЭЗГУЛИК - ЧИНДАН ЯХШИЛИК

«Бахт ҳадея этаман» — 47-сон

мумкин. Беайб парвардигор, ҳар ким ҳам адашади, янглишади, лекин ўзига ишонса, ақлига таянса йўлини топиб кетади. Оллоҳ таоло инсонга ҳидоят йўлини бермас экан, у залолатга ботади. Ҳидоятга эришмоқ учун эса, инсон кўп яхшиликлар қилмоғи керак.

Ҳидоят бу эзгуликдир. Эзгулик эса жамики яхшиликлардир. Бу хусусда бир тўртлигим бор, эшитинг-а:

Эзгулик бу қўлдан яхшилик, Эзгулик бу тилдан яхшилик, Эзгулик бу дилдан яхшилик, Чин эзгулик чиндан яхшилик.

Буларни ёзишимдан мурод, эзгулик эртами-кечми рўёбга чиқади.

ЭСЛАТМА: Ёшим 20да. Об-рўли, бадавлат бир оиланинг қизиман. Ҳамма иш қўлимдан келади. Бироқ бир йигитнинг куруқ тухмати туфайли шу мактубни ёзишга мажбур бўлдим. Бахтга зор, кўнгли тоза, қалби пок инсон бўлсайдир у билан танишиб вафодор, садоқатли ёр бўлиб, шириндан-шакар фарзандлар ҳадея этардим. Қайси вилоят, қишлоқ ёки шаҳардан бўлишидан қатъи назар, синашиб турмушга чиқардим.

ВАСИЛА



ЕРЧА БЎЛСИН САБРУ- БАРДОШНИНГ СЕНИ

ЭСЛАТМА: Бир аёл орзу қиладиган даражада ҳамма нарсам етарли. Иккита гулдай фарзандим ҳам бор. Эрим тижорат билан шуғулланади. Ҳаммаси бир сираю, яхши кўриб қолган кишим юз сирадай назаримда. Ахир мен ҳам одамман-ку, севиш - севилишга ҳаққим йўқми?

Тоҳир НОРИМОВ

Бисмиллоҳир роҳманир раҳим. Мен бир кекса аёлман. Ёшим 75да. 9 фарзанднинг онаси, 30 та нева-ра, 13 та чеваранинг бувисиман. Бу неъматларни берган Оллоҳга ҳамду-санолар айтиб, фарзандларимнинг шукрини қилиб яшаб юрибман. «Оила ва жамият» газетасининг ҳар бир сонини қолдирмай ўқийман. Газетанинг 46-сонида (13-19 ноябр) чоп этилган «Бировнинг косасига қошиқ суқманг» мақоласи мени анча уйга солди

«Бировнинг косасига қошиқ суқманг» — 46-сон

ва шу мактубни йўллашга мажбур қилди. Бир аёл орзу қиладиган даражада ҳамма нарсаси етарли бўлган аёлга айтар сўзларим:

Қизим, Оллоҳ аёлни ифпати билан дунёга покиза қилиб келтирар экан. Лекин ҳаё-андиша, сабрубардошни, андишасини йўқотманган аёлгина бахтли яшар экан. Бошингизда тўла-тўқис, топармон-тутармон, вафодор ёрингиз ва гулдек иккита фарзандингиз бўла турди, севса бўлар экан деб, бировнинг эрини севиш, оиласини бузиб, болаларини чирқиратиш - севиш эмас. Бу энг энгил табиат, ҳаёсиз, ибосиз, беандиша аёлнинг иши. Бир вақтлар акаси хунук ёки бир нуқсонли бўлса, уни ўйлаш учун, укасини кўрсатиб ҳам турмуш қурилган. Келин эрини гўшанга кирганда кўрган. Лекин улардаги андиша ҳаё кучли бўлгани учун Оллоҳдан бахт сўраб, бахтли яшаб, ували-жували бўлиб кетишган. Ҳозирги кундаги баъзи бир хотин-қизларимизнинг хатти-ҳаракат-

лари ўзбекчилигимизга иснод-ку, ахир. Севги-севги деб, севдим, севилдим деб, уялмай нетмай бонг ураётган, биров-

га айтиб, газетада ёзиб дoston қилаётган бу аёл-қизлар қайдан пайдо бўлаяпти, ё алҳазар. Агар эркакни топгани рўзгорга етса, оилада бир аёл учун иш топилади. «Эрим билан ҳеч очилиб, сочилиб гаплашмаймиз, сир сақлайди», дебсиз. Аслида оғир-босиқ эркак оиласида бўлар-бўлмас гапни гапирарвермайди. Қизим, кўчадан бахт излаб севишга етишгунча уйингизни саранжом-саришта қилиб, эрингиз ишдан келишига суйган таомларини тайёрлаб, ўзингизга ҳам қараб, ишдан келганда: «Ассалому алайкум, адажониси» деб кутиб олинг. Ахир биз мусулмон фарзандларимиз. Мусулмончиликдаги зино деган нарсадан — катта гуноҳдан ўзингизни тийинг. Фарзандларингиз сезиб қолса, қариганда қандай хор бўлишингиз мумкинлигини ўйланг.

Мунаввара САМИФОВА
Тошкент шаҳри

ТИҒ ЯРАСИ ТУЗАМАР, ЛЕКИН...

«Аввал дугона, кейин бегона» — 36-сон

ЭСЛАТМА: Келинимиз энг яқин дугонаси билан қуда бўлишди. 4 йилгача қизи эри билан яхши яшади. Иккинчи марта ҳомиладор бўлганда эса, операция қилишди. Врач: «Энди фарзанд кўриши қийин», дебди. Шу билан қудалар орасига совуқчилик тушди. Қизларини кўргани келган онаси, қариндошлари олдида қизни уйига жўнатишди.



корларимизнинг айримлари чиндан ҳам яхши, қўли энгил инсонлар. Лекин назаримда улларда инсон руҳини тушуниш етишмайди. Баъзан ҳақ гапни беморнинг ахволи яхши бўлгач ҳам айтиш мумкин-ку!..

Юлдузхонга айтадиган гапим шу:

ҳаммасини унутинг. Бахтингиз олдинда. Рухиятингизни губорлардан холи қилинг, ҳали қўллаб соғлом фарзандларни қўлингизга оласиз.

Мўмин ХОЛМУРОДОВ
Қашқадарё вилояти

ЛОФЛАР

Икки лофчининг хотини учрашиб қолди:
- Вой айланай, тинч-омон юрибсизми? Кўринмайсиз?
- Эрим соқолларини олган эдилар, бекор

кетмасин деб ўзимга рўмол тўкиб олдим. Қалай яхши бўптими?
Бошқа лофчининг хотини жавоб қилди.
- Эрингиз кўса эканлар-ку, мен эримнинг бир марта олган соқолидан

гилам тўкиб олдим, энди ортганидан арқон ўрмоқчиман.
* * *
Бир лофчи мушугини мактади:
-Тавба, мушук ҳам шунақа бўладими, сичқон

қолиб кўй-эчкиларни ҳам тутиб ейди-я. Бошқа лофчининг энсаси қотди.
- Шу ҳам мушук бўптими, менинг мушугим ҳар дам олиш куни Хиндистонга бориб фил тутиб еб келадди.

ЛАТИФЛАР
ЖОНИДАН ТҮЙИБДИ
Битта жинни иккита нонни кўлтига қисиб темир йўлга бошини кўйиб ётган эмиш. Уткинчилардан бири келиб ундан сўрабди:
- Нимага бу ерда ётибсан?
- Жонимдан тўйдим. Ўзимни поездга бостириб ўлдирмоқчиман,- деди у.
- Унақа бўлса нонни бер, биз ея қолайлик,- деса:
- Хо, поезд келгунича очдан ўлиб қолайми?-деярмиш.

ХАНДАЛАР

“Ёшим бир кам етмишда, менга нафақа беринглар, десам таъминот бўлимадидаги қоғозбозлар “ишлаганингиз ҳақида хужжат олиб келинг”,- дейишди. Таажжуб: сўфига ким маълумотнома беради ахир?”
(Умрида бирор ерда ишламай нафақа талаб қилган кишининг гапи)

Доктор “Сизда қанд касали бор экан”,-дейди, тавба, қандни кам тортиб беришимни қаёқдан билди экан?”
(Бир сотувчининг мулоҳазаси)

Ўғил тоғага, қиз аммага тортади, деган гап ёлгонга ўхшайди. Менинг жияним хўроз уриштиришга қизикмайди. Шу ҳам жиян бўлди-ю!
(Такасалтанг тоғанинг гапи)

... Юрагим ёмон, яна танқид бўлса кўнглим кетиб қолади. Бу эса идорадаги иш фаолиятимга салбий таъсир кўрсатиши мумкин”.
(Мажлис президиумига тушган хат)

Яшшамагур келиним: «Ўтингиздан кириб кулингиздан чиқаман», дейди. Уйимизга газ киритганимиз, кул қаёқдан келади, овсин?”
(Бир қайнонанинг кўшнисига шикоят)

“Тўнғич ўғлимни адвокат қилмоқчиман. Мабоодо кўлга тушиб қолсам, ўғлим судда ёнимни олади”.
(Чайқовчининг бир дўстига айтган гапи)



КИЧИК МАСАЛЛАР ТИЛЛА ТИШ
Тилла қопладилар курт еган тишга,
Тилла тиш бир зумда киришди ишга.
“Қандай соз!”,-кувониб, “нон”, “гўшт” чайнади,
(У сезмас ичин курт тинмай қовлайди)
Мақтанишин билмай бакувват тишлар,
Ҳаммаси бир сафда тизилиб ишлар.
Тилла тиш дер:
қайсинг мендай ярқирай,
Аммо унинг таги чириб

зирқирай.
КЎПИК
Кўпик тоғорадан тошиб тўкилди,
Тўғриси ҳаддидан ошиб тўкилди.
ЭЧКИ
Агарда эчкининг кичиса шоҳи,
Сузишиб ўз бошин ёради гоҳи.
ИЛОН ДУМИ
Илоннинг бошидан бошланар думи,
Шу сабабдан судралиб ўтади умри.



МИНИАТЮРАЛАР
Ўқитувчи: - Болалар, эртага меҳнат дарси бўлишини унутманг! Қаерда бўлишини биласизлар-а?
- Ўқувчилар: Биламиз, биламиз

янги қураётган участкангизда бўлади.

Қани, ўғлим, қопни кўтартириб юбор!
- Кўраясиз-ку, бандман, газета ўқияпман.

Тамакининг зарари ҳақида икки соат лекция ўқиб чиққан бир врач ўз ўртоғига дебди:
- Уфф, чарчаб бошимга оғриқ туриб кетди, қани папиросдан ол!

Бир педиатрнинг боласи касал бўлиб қолган экан, хотинига дебди:
- Врач Баракаллаевга олиб бор, у даволашни билади.
- Ўзингиз ҳам педиатр-сиз-ку, кўриб қўяқолмайсизми?
- Мен бошқаларнинг болаларини кўраман.




- Соткамга пул тўлаб келинг дадажониси.
М. УНГАРОВ чизган расм.

“МИНФИР-МИНФИР”
(Баъзи оилаларга хос)
Эру-хотиннинг минғир-минғири. Ўткир эговнинг гўё ғир-ғири.
Эр келса ишдан кеч пайти чарчаб, Хотин бошлайди “модалар” дан гап. Қаранг бир зумда бўлишади чап, Айтилиб бир-бир сўзлар тахири, Бошланар хотин минғир-минғири, Чалпийди аста эрининг зотин. Камсита бошлар топган бисотин, Ёғилар дарров таъна ёмғири. Бошланар эрининг минғир-минғири. Баъзиларда бор шубҳа, ноз-фиروق. Кимлар ғийбатга тутади қулоқ. Хотиннинг ундоқ, дер, эринг бундоқ... “Ундоқ-бундоқ”нинг бўлиб таъсири. Бошланар уйнинг минғир-минғири. Минғир-минғирнинг кўп экан тури, Бузилмасин ҳеч диллар хузури, Ахиллик экан ҳаёт зарури. Тугасин, майли қолмай ҳеч бири, Эру хотиннинг минғир-минғири.
Пўлат МҮМИН



- Болам, бу қайтар дунё экан, ёшлигимда ҳаммага иссиқ-совуқ қилиб, бир-бирига ёмон кўрсатиб, уриштириб юрдим, мана энди азобини тортаёпман.
М. УНГАРОВ чизган расм.

БИРИ ТОҒДАН, БИРИ БОҒДАН
ГЎШТ СОВУГИНЧА
- Кўчқор, пишириб совутилган гўштни ўзбекчада нима дерди?
- Бизлар гўштни совутгунча кутиб ўтирмаймиз.
БОЛҒА
- Эшмат, болгани қаерга кўйган эдинг, тополмаяпман?
- Қаердалигини айтинг, мен топиб бераман.
ЧОЙНАК СИНДИРИЛГАН
- Ойи, сиз кичкина бўлганмисиз?
- Ҳа.
- Чойнак синдирганингиз-да ойингиз уришганими?
- Нима эди?
- Сиз яхшисиз-а, мени уришмайсиз.
ҚОРОНҒИ ЭДИ
Она: - Кеча лаганчада анча-мунча печенье қолган эди. Ким еди экан, атиги биттаси қолибди?
Жорж: - Ие, қолган эканми? Қоронғуда кўрмай қолгандирман-да.
* * *
Бир киши боласига:
- Ўғлим, сен каттами ё аканг? деса, ўғли дарров:
- Баравармиз. Бултур аканг сендан бир ёш катта, деган эдингиз. Энди етиб олдим-да,- деб қўяқолибди.
Ниғора ЙЎЛДОШЕВА тўплади







БОЛАЛАР САҲИФАСИ BOLALAR SAHIFASI

Aziz bolajonlar! Siz ko'rib turgan kataklar ichiga "Kuchuk" va "Mushuk" so'zlari yozilgan, ularni yana ham ko'paytirishingiz kerak. Uning uchun siz bo'sh kataklarga «K» yoki «M» harfini yozib har tomondan

o'qisa bo'ladigan 30 dan ortiq Kuchuk va Mushuk so'zi kelib chiqadi.

O'yin qoidasi: Ko'rib turganingizdek hamma tomonga qarab o'qishingiz mumkin, faqat bir katak oshib o'tilmaydi.



- Nega sochingni taramading?
- Bugun dam olish kuni-ku.



O'ZINGIZ BO'YANG

TOPISH-MOQLAR

Yozda kiyinadi
Qishda echinadi.

Kechasi oftobdek
Kunduzi ko'ptokdek

Zuv-zuv boradi,
Tomdan qaraydi.
Cho'p loy cho'qiydi?
Zambil to'qiydi.

QAYSI HAYVON ENG KATTA QULOQQA EGA?

Qulog'i katta jonivorlar luda ko'p: ko'rsnapalak, quloqdor tipratikan, quloqdor tulki, shalpon quloq cho'chqa, qoraquloq olmaxon, quloqdor olmaxon, va boshqalar. Hind filiniki yarim metr bo'lsa, Afrika filiniki bir yarim metr keladi. Tabiatda bryissel qo'yi deb ataladigan jonzot bor. Aslida u qo'y emas, oddiy

quyon.

Uning quloqlari boshining yon tomonlariga o'ralgan bo'lib, qo'yning shoxiga o'xshab ketadi, agar bu quloqlar ochib yoyiladigan bo'lsa, ular uch metrga etadi.

Саҳифа муаллифлари:
О. НУРМАМАТОВ, Н. ХОЛМУРОДОВ

Эрталаб ишга шошиб келдим, дугонам Гулининг "сотка"-сига кўнгирак қилдим.

- Алло, Гули яхши - бошқа гапларим бўзимда қолди.

- Да, да, кейинроқ кўнгирак қилинг, мажлисда ўтирибман, деган жавобни олдим. Ҳа, майли кейинроқ бўлса кейинроқ-да. Орадан 2 соат вақт ўтиб яна гўшакни олдим.

- Алло, Гули бу мен. Сенда...

- Ҳа, танидим, ҳозир бозорда кетаяпман, кейинроқ уйга кўнгирак қилинг.

Бу сафар дугонанинг сўзлари ўтмади. Қани сени бир боппай. Ҳу ўша "модний" телефон кўтариб олиб ўзини кўрсатган сени деди-му, кетма-кет кўнгирак қилавердим.

- Алло...

- Кечирасиз, ҳозир овқатлана-япман. Ҳозир гаплаша олмайман. Кейинроқ уйга...

- Алло

- Абонент жавоб беролмайди.

Бўлмаса сени нега кўтариб юрибди,- дея ҳақ қилдим телефондаги котиба қизга.

- Алло бу мен...

- Кечирасиз, йўлданам. Уйга кўнгирак қилинг.

- Бекорларни бештасини ай-тибсан. Ҳе ўша сени телефон кўтаришига ўргатган устозингдан айланай,- дедим-у, "кўнгиракбозлик"ни йиғиштирдим. Хуллас, ўша кун дугонамдан кичкина ўглининг соғлигини бил-долмай қолдим. Уйга келиб эндигина овқатга уннаган эдим ўғлим: "Ая телефонда, Гули хо-ла ма сўраяпти",- деб қолди. Шош-майгина бордимда гўшакни қўлимга олиб:

- Алло, абонент овқат қилаяпти, сиз билан гаплашишга вақти йўқ,- дедим. Менинг кувлик қила-ётганимни сезган Гули ҳам 10 минут ичида 5 марта телефон

қилди. Охири у билан гаплашиш-га рози бўлдим. Аввал бироз дийдиё қилдим. «Хафа бўлма ду-гонажон, кўп гаплашсам пулни аямой ёзворади»,- дейди ўзини оқлаб. «Унда сенга бу телефонни нима кераги бор»,- десам, «Э ўзим ҳам

лефон сабабчи. Ишдан келиб овқатлашиб бир чиройли ўтир-гандик. Идиш-товуқларни юваётганим анави "сотка" ўлгур жиринглаб қолди. Эрим қўлига олиб "Алло" деганди ҳеч ким га-пирмади. Менга «ким» у деди. Мен билмадим, би-

жўна,- деса бўладими. Хурли-гим келиб кетди. Мана шу теле-фон чикқандан буён бошим жанжалдан чикмайди. Нега ма-газинга кирдинг? Бозорда нима қилиб юргандинг? Ким билан гаплашдинг? Бундай савол-жа-воблар жонимга тегиб кетди. Хуллас, бизни рашкчи эрлари-мизга бундай телефон тўғри келмас экан. Телефонда ахбор-рот олиб хижолат бўлиб юрган-дан кўра, олимларимиз "аёл-шунос телевизор" ишлаб чи-қаришсин. Эрларимиз ўтирган жойларида кнопкани босиб қўйиб хотинларини қаерда юрганини кўриб ўтиришади.

Гулининг гапларини эшитиб роса кулдим. Ҳа, ҳар бир нар-сани ўз ўрни, меъёри бор. Шунинг учун уяли алоқадан фойдаланишни баъзи бир рашкчи эру-аёлларимизга тав-сия этмаймиз.

- Алло, сиз нима дедингиз?
Нигора ЙҮЛДОШЕВА

БАРЧАСИГА "УЯЛИ" АЛОҚА САБАБЧИ

"ОИЛА ВА ЖАМИЯТ" ОРҚАЛИ ДҮСТЛАРИМ КҮПАЙДИ

Азизим "Оила ва жамият", сенинг ҳар бир саҳифангни гоҳи ку-либ, гоҳи уйга чўмиб, гоҳи тўйиб-тўйиб йиглаб ўқийман. Сен ҳар бир инсон дардини тушунасан, унга маслаҳатлар берасан, гоҳи-да ёрдам қўлини чўзасан. Сен энг яхши сирдошсан, дардақша-сан. Баъзида инсон сирини ҳеч кимга, ҳатто ота-онасига ҳам ай-тмаси келмайди. Сен унинг сирини сирдош, дардига дарддош бўласан. Шунинг учун юрагимни забт этганасан. Баъзида хафа бўлиб қоламан. Газета чоршанба кун чикади-ю, бизгача кечи-киб шанба кун етиб келади. "Оила ва жамият" газетаси милла-тидан қатъи назар, уни ўқиган кишининг дардига малҳам бўла олади. Ҳатто бузилган оилаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қила-ди. Ҳатто дўст топишга ҳам ёрдам беради.

Менинг мақолам сенинг саҳифаларингда чикқанда хурсанд бўла-ман. Айниқса, 39-сонингда Барно исмли қизнинг "Азобию, роҳа-тини ўзингиз кўрасиз", дея номланган мақоласига ёзган акс са-дом 17-сонингда "Дўст бўлсак дегандим" сарлавҳаси остида эълон қилинганда жуда-жуда хурсанд бўлдим. Шундан сўнг мен газета орқали жуда кўп дўстлар орттирдим. Намангандан, Шо-фирқондан, Тошкентдан дўстларим бор. Айниқса рометанлик Бах-тиёр исмли бола билан жуда яқин дўстлашиб олдим. У Рометан солиқ инспекциясида солиқ инспектори бўлиб ишлайди. У мени энг қанч дўстимга айланиб қолди. Дўст топишда ёрдам берганинг учун сенга раҳмат менинг семилим газетам. Газета-нинг янада юксалиши учун омад, зафарлар тилаб қоламан.

Нигора ЗАРИПОВА

Бухоро вилояти, Пешку тумани

Кичик фарзандим кўп касал бўлганлиги сабабли, унинг соғ-лигини тиклаш ниятида Тош-кент шаҳридаги "Семашко" но-мидаги илмий текшириш ин-ститутига шифокорлар йўлла-на беришди. Бу даргоҳда 10 кун даволанган бўлсак, шу кунларнинг даво-мида мен

НИМАГА? НИМА УЧУН?

қийналиб зўрға рус тилида унга жавоб қайтапти. Тавба! Ҳайрон қолдим? Нима учун ик-кита туппа-тузук ўзбек аёллари ўзларини қийнаб бошқа тилда сўхбатлашмоқдалар. Ростини айтсам, мен ҳанузгача шу савол-га ўзимга жавоб топа олма-япман.

Мен ўзим рус тили ўқитув-чисман, лекин ўқувчиларим-га ҳар доим рус тилини ўрга-ниш керак, билиш керак, фа-қатгина ўзини маънавий бой-лигини ошириш учун деб ўргатганман. Аммо кўчада, ишда, уйда инсон ўз вата-ндошлари билан она тилида сўзлашиши лозим, деб била-ман.

Президентимиз айтганларидек: "Ўз она тилини йўқотган, ҳар қандай миллат ўзигидан жудо бўлиши мукаррардир". Сиз бун-га нима дейсиз?

ШАҲОДАТ
Чилонзор тумани

Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

ОИЛАМАН АҲИЛЛИК ЙҮҚОЛДИ

Мен ҳаётимда бир марта адашгандим. Иккинчи бора ота-онамни маслаҳатлари билан улар ёқтирган қизга уй-ландим. Аввалида жуда яхши яшадик. Мен турмуш қийин-чиликларини ота-она билан бирга ҳал қилиш кераклиги-ни хотинимга ҳам ўргатар эдим. Хотиним барча ишлар-ни онам билан маслаҳатла-шиб қиларди.

Биз фарзандли бўлди-гу оиламиздаги аҳиллик йўқол-ди. Чунки хотиним фарзан-димни нафақат ота-онамдан, балки мендан ҳам қизғонади-ган одат чиқарди. Ахир биз ёш бўлганлигимиз учун бола-мизни то бир яшар бўлгун-га қадар ота-онам тунарлини бедор ўтказишгани ҳақи-қат эдимда. Бундан ташқа-ри хотиним ота-онамга тик қараб гап қайтаришга ода-тлашиб, бунга чидалмай унга дўқ урсам, яна онам унинг ёнини олади.

Фарзандли бўлгандан сўнг мени маошим камлиги ва унинг эҳтиёжини қондирил-маётганим баҳонасида ҳар кун жанжал қиларди. Ахир ўзингиз ўйланг, ҳозирги ша-роҳида бир кунга икки маҳал

ҚИШЛОҚДА ИШ КҮП...

Қишлоқда туғилиб, қишлоққа келин бўлганлигим учун, қиш-лоқ келинларининг ҳолатини яхши тушунаман. Мени она-хонларимиз, қайноналаримиз маъзур тутсинлар, минг бор узр сўрайман улардан. Яхши деб тан олинган қайноналар ҳам билиб билмай гоҳида келинларини хафа қилиб қўяди-лар. Хафа қилганликларини ўзлари ҳам билмай қоладилар. Кўнгул тошдан мустаҳкам, гулдан-да нозик. Ўша гулдан ноз-ик кўнгулга баъзан оддий сўз ҳам киноя билан айтилса иг-надек санчилади. Шунда ҳам келин индамайди, чидайди.

Қишлоқда нима кўп, иш кўп. Сигир соғиш, кува пишиш, уй-ховли, кир-чир дегандай. Хуллас ўзларига қарашга вақт йўқ. Баъзида булоққа сувга чиқиб, қўшни келинлар билан сўх-батлашиб узок қолиб кетган келин қайнонадан дакки эши-тиши турган гап. Боласи иситмалаб, касал бўлса ҳам, ҳар кунги меҳнатини қилаверади. Қилаётган иши чала қолса, унда яна дакки эшитиши турган гап. Ахир уйда битта бўлса ҳам қайнонаги бор-ку? Нега айрим қайноналар қизлари ҳам вақти келиб турмуш қуришини, худди келинларидек иш қи-ли-шини била туриб, тан олгиси келмайди?

Дилором ЭГАМҚУЛОВА

Жиззах вилояти, Бўстон шаҳарчаси

ҚУЛОГИМНИ ДАВОЛАТСАМ БҮЛАДИМИ?...

Ёшлигимда қаровсиз қолганлигим сабабли 3 марта бошим билан бе-тонга йқирилиб тушган-ман. Албатта бирданга эмас. 3 марта йқирил-ганимда бу дунёни тарк этишим керак эди, аммо дадажонимнинг чаққон-ликлари сабаб тирик қол-дим. Лекин ўнг қулогим-нинг пардаси йиртилдиб, яхши эшитмайдиган бўлиб қолдим. Қиз бола учун бундан ортиқ шар-мандалик бўлмаса керак, деб ўйлайман. Ҳеч нарса-дан камчилигим йўқ, мақ-таниш эмас-у, ўзимга яраша чиройим бор. Фа-қат биргина айбим, у ҳам бўлса яхши эшитмасли-гим. Устимдан кулганлар ҳам бўлди, чидадим. Ўзимни фақат йиғи би-лан овутамаман. Нима қилай? Ортиқ чидай ол-майман. Ҳозир айни ўйнаб-кулиш даврим. Менга бу жуда ҳам оғир ботмоқда. Ортимдан қан-ча-қанча йигитлар хору-зор, аммо уларга буни айтишдан жуда ҳам уяла-ман. Ҳеч бири бу ҳақда билмайди. Билиб қолиш-са нима бўлади? Қарин-дошларимиз ҳам устим-дан кулгандай қилиб мен-га галати гапиряшади. Бу менга жуда ҳам алам қилади. Шунинг учун мен келажакимни тасаввур қилсам ҳам бўлавера-ди. Илтимос, азиз юрт-дошлар, менга далла бўладиган маслаҳатлар-нингизни аяманглар. Нима қилсам мен ҳам тенгдошларим сингари яхши эшитиб, ҳаётнинг гўзал онларидан баҳра-манд бўламан. Қулогимни даволаса бўладими? Мен-дан ўзингизни маслаҳат ва ёрдамларингизни аямай-сиз деган умидданам.

ДИЛФУЗА

